



2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ

Ижтимоий-сиёсий газета

БИР БЎЛСАК — ЯГОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК — ВАТАНМИЗ!

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЎЗБЕКИСТОН

№ 152 (1213), 2024 йил 31 июль, чоршанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



ДЎСТЛИК, АҲИЛЛИК ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда 30 июль — Халқлар дўстлиги кунини сифатида кенг нишонланмоқда. Дўстлик фестивали доирасида пойтахтимизда “Халқлар дўстлиги” кўкрак нишонини топиришга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирда Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси мутасаддилари, миллий маданий марказлар фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари, ижодкор зиёлилар иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқлар дўстлиги кунини муносабати билан табригини Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот қотиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Таъкидланганидек, янги Ўзбекистонни барпо этишда миллатлараро дўстлик ва

аҳиллик, ҳамжихатлиқни таъминлаш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. Дарҳақиқат, мамлакатимизда азалдан дўстлик, биродарлик, аҳиллик олий қадрият сифатида эъзозланган. Бугун янгиланган юртимиз ривожига ҳисса қўшишда турли миллат ва элат вакилларининг ягона, аҳил оила фарзандларидек меҳнат қилаётгани, фидойилик кўрсатаётгани эътиборга молик.

Тадбирда сана муносабати билан бир гуруҳ ҳамюртларимизга “Халқлар дўстлиги” кўкрак нишонини Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси Рустам Қурбонов топширди.

— Ўзбекистондек меҳридаре диёр ер қурасининг ҳеч қайси жойида йўқ, — деди Ўзбекистон Миллий телерадиокомпания-

сининг “Дўстлик” студияси катта муҳаррири Замира Жиянова. — Шу заминда ўсиб, улғайдим, оила қурдим. Мен ўзимни доим ўзбек деб ҳис этаман. Чунки Ўзбекистонимизда миллат ажратиш деган тушунчанинг ўзи йўқ. Ўзбекистон фуқароси эканимдан, шу табаррук юртининг фарзанди эканимдан беҳад фахрланаман. “Халқлар дўстлиги” кўкрак нишонини мамлакатимизда ҳамжихатлиқни мустаҳкамлаш борасидаги ишларга ўз ҳиссамизни қўшишга янада кўпроқ руҳлантиради.

— Барча миллат ва элат қатори туркман диаспорасининг ҳам ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда, — деди Республика туркман миллий маданий марказининг Сурхондаре вилояти бўлими раҳбари Эргаш Авазов. — Мамлакатимиздаги барча миллий маданий марказлар фаолиятига катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Миллий маданий марказлар ишини амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун давлатимиз томонидан грантлар, субсидиялар ажратилмоқда. Буларнинг бари янада самарали ишлашга ундайди.

Мукофотланганлар мамлакатимизда осойишталик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатлиқни мустаҳкамлаш борасидаги эзгу ташаббуслар учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Музаффар Комилов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари Одил Абдурахмонов иштирок этди.

Назokat УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Меҳрли сиёсат

БУГУН УЛАР ЧОРАСИЗ ЭМАС...

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори билан танишаётиб, беихтиёр хурриятнинг моҳияти нима, озод одам қандай бўлади, деган саволга жавоб изладим. Сўнг кўз олдимга олис қишлоқнинг тонги манзараси келди.



Қуёш нури узокдаги чўққилар бошини силайди. Сайроқи тўрғайлар бир маромдаги хониш билан тонгни қарши олади. Пишиб етилган мева ҳиди димоққа уради. Ҳали ситир соғилмаган. Очиқан бузоқ мўраб, ҳовлини бошига кўтаради. Бу вақтда қишлоқда кимдир кетмонини

ортмоқлаб дала томон йўрғалайди. Бошқа биров пичан ўриш учун ўроқ чархлайди. Кўча бошида мол ҳайдаб чиққан болалар кулгиси янграйди. Қиёмли қишлоғининг тонги шундай отади.

► Давоми 3-бетда

Долзарб мавзу

ЭКСПОРТДАГИ МУАММОЛАР

“Ўқланган” маҳсулотлардан қачон воз кечамиз?

Дехқон ёки тадбиркор товарини экспорт қилиш ортидан ички бозордагидан кўра, бир неча баробар кўп даромад топади. Фақат бунинг учун йўл-йўриги, тартиб-таомили, чет эл бозори талабларини билиши керак. Кейинги йилларда юртимизда бу борада яхшигина тажриба тўпланиб, маҳаллий экспортчиларимиз сони 7,5 мингдан ошди. Бир неча ўн йиллар давомида саноқли давлатлардан ташқарига чиқа олмаган ўзбек маҳсулотлари бугунги кунга келиб, алоҳида бренд сифатида ҳатто Европа давлатлари ва океан ортига кириб бормоқда.

Экспорт учун қанча кўп бозор очилса, ҳажм ҳам шунга яраша ўсиб бораверади. Биргина мисол, ўтган йили товар ва хизматлар экспорти ҳажми 2022 йилдагидан 4,5 фоиз ўсган. Бошқа соҳаларда ҳам доимий ўсиш кузатиляпти. Жорий йил бошидан буён тармоқ ва ҳудудлар 8,7 миллиард долларлик маҳсулотини четга сотган. Мазкур даврда мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти 910 миллион долларни ташкил қилди.

Натижалар ошиб бориши табиий. Чунки бошқа соҳалар қатори экспортда ҳам фақат ўсишга эришиш мақсад қилинган.

Бунинг учун кўплаб лойиҳалар, сазй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Шу йилнинг 17 июль кунини давлатимиз раҳбари раислигида иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш юзасидан биринчи ярим йилликда амалга оширилган ишлар ва келгуси вазифаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам бу алоҳида таъкидланди. Йил якунигача режа қилинган экспортни таъминлаш учун биринчи галда қайта ишланган мева-сабзавот экспортини кескин қўпайтириш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

► Давоми 4-бетда



Парвоз

ҚИЗЛАРИМИЗНИНГ ҚАДРИ БАЛАНД, ЮЗИ ЁРУҒ БЎЛАВЕРСИН!

Одамлар билан гурунглашсангиз, маҳалладаги жамики янгиликлардан бохабар этишади. Ким умрага бориб келди, ким янги уй сояпти, ким машина олди... Дарвоқе, кейинги пайтда қишлоқда ҳам ўқимишли, яхши келин топиш кун мавзусига айланибди. Бўй етган ўғли борки, “Танишларнинг бари ўқиган, яхши қизлар бўлса, айтинг”, дейди. Орзуга айб йўқ, бироқ мактабни зўрға тамомлаб, муҳожирликда ишлашга кетган ўғилларига ҳам лоақал ҳамшира келин олишни истаяпти одамлар. Қолганларни қўяверинг.

Албатта, институтда ўқиётган қиз бўлиши керак. 1-курсми, 2-курсми, бўлаверади, ўзлари ўқитиб олади. Давлатниқидими, хусусий олийгоҳдами, бунгаям бир қизиқиб қўйишади. Давлат олийгоҳларида ўқиётган бўлса, берди худо, хусусийда бўлса ҳам ёмон эмас. Нима бўлганда ҳам ўқияпти экан, битириб ишлайди-да барибир, дипломи давлатники билан бир-ку, дейишади.

Бу гапларнинг барида кувониб кетасан. Хайрият, бирор ерда ўқиган, айниқса,

олий маълумотли қизларнинг “қиймати” йилдан йилга ошиб борапти. “IELTS”и бор қизларнинг уйдан совчиларнинг кети узилимай, оналари қайёққа қочишини билмай қолганмиш. Бугун олий маълумотли қизлар оилани муқаддас билиши, фарзанд тарбиясида ҳам тўғри йўл тутишини даврининг ўзи кўрсатиб қўйди.

► Давоми 5-бетда

СОКИН ДАРЁНИНГ ЖЎШҚИН ОҚИМИ



6

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВИ

ЯШАШ УЧУН ҚУЛАЙ МАНЗИЛ

Бунёдкорлик

Бердиқул ота Навоий вилоятининг олис Зарафшон шаҳрида узок йиллар кончилик соҳасида меҳнат қилди. Нафақага чиққач эса фарзандлари қўймай вилоят марказига кўчириб олиб кетди. Бу ҳудудга ўзгача меҳр қўйган ота бошида бир оз қийналса-да, кейинчалик кўниқди. Аммо кўп ажиб хотиралари шу шаҳар билан боғланган. Бироқ арзирли бир баҳона ёки сабаб бўлмагани учун уч-тўрт йил шаҳарга келолмади. Яқинда бирга ишлаган ҳамкасби неварга тўйига айтганида, ҳеч иккиланмай йўлга тушди. Баҳонада бирга ишлаган кадрдонларини ҳам кўриб қайтади.

► Давоми 2-бетда



Муносабат

ҚАЛБ КЕНГЛИГИ ВА САХИЙЛИГИ

Жамиятимизни мана шундай юксак инсоний ришталар мустаҳкамлаб турибди



Виктор ПАК,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

Халқаро дўстлик куни ташаббуси ЮНЕСКО томонидан тақдиф қилинган. Кейинроқ БМТ Бош Ассамблеяси тинчлик маданиятини мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун можароларнинг асосий сабабларини бартараф этиш орқали уларнинг олдини олишга қаратилган қадриятлар ва қарашлар сифатида аниқлаб берди. Ассамблея, шунингдек, болаларга синдирилиши керак бўлган тинчлик маданиятини тарғиб қилишда таълимнинг ролини ҳам тан олди. Агар болалар тинчлик ва ҳамжиҳатликда яшашни ўрганса, бу халқаро тинчлик ва ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Хуллас, БМТ Бош Ассамблеяси 30 июлни Халқаро дўстлик куни, деб эълон қилди. Негаки халқлар, мамлакатлар, маданиятлар ва шахслар ўртасидаги дўстлик тинчликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни илҳомлантириши ва маданий хилма-хилликни ҳурмат қиладиган жамиятлар ўртасида кулай муносабатларни ўрнатиш имкониятини яратди.

Кўп асрлар давомида маркази ҳозирги Ўзбекистон замини бўлган Буюк ипак йўлида миллатларро тотувлик ва динлараро бағрикенглик ҳукм сурган. Зеро, ўша даврларда турли миллат ва дин вакилларининг тинч-тотув яшагани бунинг исботидир.

Бугунга қадар мамлакатимизда турли миллат ва элат вакиллари тўлиқ тенглик ва ўзаро бир-бирини тушуниш шароитида яшамокда. Ватан тинчилиги ва тараққиёти, аҳоли фаровонлиги йўлида муваффақиятга меҳнат қилиб, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этмокда.

Ўзимдан қиёс. Шу ватанда туғилиб, мана шу жамият меҳри, эътибори билан вояга етдим. Турмуш тарзим, тафаккуримга ўзбек қадриятлари шу қадар яқинки, бирор фикр айтмоқчи бўлсам, аввал

Дўстлик инсоният тарихида турли давлатлар, халқлар ва миллат вакилларини энг кўп яқинлаштирган. Чунки у орқали келишувларга эришиш, дунёни янада яхшироқ масканга айлантиришга интилаган одамлар учун қулай шарт-шароит яратиш мумкин.

Ўзбек тилида ўйлаб, кейин уни таржима қилиб гапираман. Табиийки, ҳаётимнинг энг ширин болалик хотиралари ҳам мана шу аҳил ва иноқ, ҳамжиҳат жамиятимиз билан боғлиқ.

Бундай натижа ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунга улкан саъй-ҳаракатлар эвазига эришилди. Кейинги йиллардаги энг катта бойлигимиз ҳақида сўрашса, мен, шубҳасиз, тинчлик ва барқарорлик, умумий уйимиздаги миллатлараро ва фуқаролар ўртасидаги ҳамжиҳатликни айтган бўлардим.

Президентимиз таклифига биноан жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини

цивилизациялар вакиллари Ўзбекистоннинг кўҳна ва ноз-неъматларга бой заминида тинч-тотув, аҳил-иноқ яшаган. Худди шу жиҳат меҳр-оқибат, тинчлик, очкилик, қалб кенглиги ва сахийлиги билан ажралиб турувчи менталитетни юзага келтиришга ҳисса қўшган.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Халқлар дўстлиги кунини муносабати билан йўллаган табригида жамиятимиздаги бағрикенглик халқаро майдонда кенг эътироф этилганини алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, бугун ватанимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат ҳамда 16 та диний конфессия вакиллари тинч-тотув, аҳил-иноқ, ҳамжиҳат бўлиб яшамокда.



мустаҳкамлаш бўйича давлат сиёсатини таъминлаш учун юртимизда ҳар йили 30 июль Халқлар дўстлиги кунини сифатида нишонланади. Ушбу ташаббус БМТ Бош Ассамблеяси резолюциясига мувофиқ бутун дунёда ушбу сана ҳар йили Халқаро дўстлик кунини сифатида кенг нишонланиши ҳисобга олинган ҳолда илгари сурилган. Мамлакатимиздаги миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик жаҳон миқёсида тан олиниб, бу борадаги тажрибаси нуфузли халқаро конференцияларда юқори баҳоланмокда.

Ўзбекистон аҳолиси, аввало, шахсий манфаатларини эмас, балки оиласи, қариндошлари, яқинлари ҳамда қўшниларининг саломатлиги ва фаровонлигига ғамхўрликни биринчи ўринга қўяди. Бу энг юксак маънавий қадриятдир. Халқимиз ҳеч қачон ўзини бошқалардан устун қўймайди, барча миллатлар, бошқа конфессиялар вакилларига ҳурмат кўрсатади.

Ўзбек менталитетининг бу хусусияти асрлар давомида шаклланган. У даврларда турли ўзига хос маданиятлар ва

157 та миллий маданий марказ ва 38 та дўстлик жамияти фаолият юритмокда.

Мамлакатимиздаги таълим муассасаларида ўқув жараёни ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида олиб борилмокда. Қардош тилли мактабларда ўқиётган фарзандларимиз давлат ҳисобидан дарслик ва бадий адабиётлар билан таъминланмокда. Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда ташкил этилган “Дўстлик уйлари” фаолияти ҳар тарафлама қўлаб-қувватланапти. Хусусан, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди томонидан ушбу мақсад учун зарур маблағ йўналтириляпти, субсидия ва грантлар ажратилмокда.

Давлатимиз раҳбари бутун мамлакат бўйлаб ҳафта давомида ўтказиладиган Халқлар дўстлиги фестиваллари халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва бирдамлигини, шунингдек, бутун минтақада тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини алоҳида қайд этди.

Шукух

БАҒРИКЕНГ ОДАМЛАР ЎЛКАСИ



Серикбай УСЕНОВ,
Ўзбекистон қозоқ миллий
маданий маркази раиси,
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
“Меҳнат шуҳрати” ордени
соҳиби

Улар кўпмиллатли мамлакатимизнинг сиёсий барқарорлиги, иқтисодий ривожланиши ва ижтимоий тараққиёти йўлида фаол иштирок этаятир. Айни пайтда жонажон ватанимизнинг ҳар томонлама юксалишига баҳоли қудрат ҳисса қўшапти.

Ватанимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат ҳамда 16 та диний конфессия вакиллари тинч-тотув, аҳил-иноқ, ҳамжиҳат бўлиб яшамокда. 157 та миллий маданий марказ ва 38 та дўстлик жамияти фаолият юритади. Ушбу тарихий маконда азалдан қозоқ миллати вакиллари ҳам бошқа халқлар қатори бир жону бир тан бўлиб, дўстлик ва ишонч ришталарини мустаҳкам боғлаб умргузаронлик қилиб келади.

Миллатимиз вакилларининг мамлакат иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, ватан ободлиги, турмуш фаровонлигини таъминлаш, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш борасидаги хизматлари муносиб баҳоланмокда. Кеча марказимиз фаоли Азиза Дуйсенова ҳамда Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг қозоқ тилидаги “Дида” дастури муҳарири Замира Жиенбаева “Халқлар дўстлиги” кўрак нишони билан тақдирланди.

Марказимиз фаоллари 29 июль кунини “Янги Ўзбекистон” боғидаги тадбирларда, миллий маданий марказлар фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи кўргазмада, турли миллат вакилларининг ҳаёти ва ижодида бағишланган видеороликлар ҳамда ҳужжатли фильмлар танлови ғолибларини тақдирлаш маросимида иштирок этди. Дўстлик фестивали доирасида қозоқ мутафаккири Абай Қўнонбоев хотирасига ҳурмат бажо келтириб, ҳайкали пойига гулчамбар қўйилди. “Халқлар дўстлиги” майдонида бўлиб ўтган байрам сайлида қозоқ ҳаваскор жамоалари ҳам

санъатсеварлар қалбига завқ улашди. Бундай тадбирлар кўп миллатли халқ вакили бўлган биздек инсонларни беҳад қувонтиради. Зеро, юртимиздаги имкониятлар сабаб фарзандларимизни миллий маданиятларга ҳурмат руҳида тарбияламокда.

Айни пайтда қардош ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасидаги абадий дўстлик ва изчил ҳамкорлиқнинг янада мустаҳкамланишига, халқларимиз ўртасидаги адабий, маданий-маърифий алоқаларнинг янада раванқ топишига ҳиссамизни қўшаверамиз. Бу орқали юртимизда сиёсий барқарорлик ва бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликнинг тобора мустаҳкамланиб, уйғунлашиб боришига хизмат қиламиз.

Биз мамлакат раҳбарияти кўрсатаётган ғамхўрлик ва эътибор учун қучур миннатдорлик изҳор этамиз. Бундай ишонч ва имкониятдан тўғри фойдаланиб, турфа маданият ва қадриятлар гуллаб-яшнаётган мамлакатимизда фаолиятимизни янада юксак даражага қўтарамиз. Зеро, ватанимиз равнақиға муносиб ҳисса қўишини муқаддас бурчимиз, деб биламиз.

Дил изҳори

ЭНГ КАТТА ШИОР

ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК ВА БИРДАМЛИКДИР

Раҳматулла ЖАББОРОВ,
Республика қирғиз миллий
маданий маркази раиси

Ўзбекистондаги ислохотлар халқаро майдонда қўлаб эътирофларга сазовор бўлмокда. Бундай ютуқлар сабабларидан бири мамлакатимизда бирдамлик, миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳити қарор топганида, десак, муболага эмас.

Бугун дунёда содир бўлаётган зиддиятлар, ички низолар, халқларнинг анъана ва қадриятларига тажовуз ошиб борапти. Шу орқали инсон эркинлигига рахна солиняпти. Ана шундай мураккаб даврда Ўзбекистонда истиқолат қиладиган турли миллат вакилларининг тинч-тотув ҳаёт кечириши учун барча имконият яратилган. Бу, ўз навбатида, жамиятда ўзаро ҳурмат ва тараққиётни таъминлайди.



Президентимизнинг 30 июль — мамлакатимизда Халқлар дўстлиги кунини муносабати билан халқимизга йўллаган табригида янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида бошлангач ислохотлар жараёнида жамиятимизда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлашни энг

устувор вазифалардан бири этиб белгилаш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Менинг миллатим қирғиз. Ўзбекистонда туғилиб, униб-ўсдим. Том маънода айтадиган бўлсам, бу юрт менинг Она Ватаним. Ўзбекистон қирғиз миллий маданий маркази раҳбари сифатида яхши биламанки, ўзбек ва қирғиз маданияти, анъана ва қадриятлари бир бўлган, яқин қўшничиликка эга халқлардир. Оқсоқоллардан қолган бир гап бор: “Элларни элларга қўшадиган санъат, маданиятдир”.

Бутун ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасида яхши қўшничилик сиёсати билан бирга, маданий жиҳатдан ҳам кенг қамровли ҳамкорлик йўлга қўйилмокда. Яқинда Қирғиз Республикаси Президенти Саидр Жапаров давлат таширфи билан Ўзбекистонга келгани ва таширф давоми ўлароқ 18-22 июль кунлари мамлакатимизда Қирғизистон маданияти кунлари бўлиб ўтгани фикримиз тасдиғидир.

Айни пайтда Ўзбекистонда 300 мингдан зиёд қирғиз истиқомат қиладди. Бу рақам кичик эмас. Муайян муддат баъзи инсонлар яқинлари билан борди-келди қилолмаган ҳолатларга гувоҳ бўлганми. Минг шукр бўлсин, икки давлат фуқароларининг бир-бири билан алоқалари қайта тикланди. Ўзбек ва қирғиз халқлари — бир дарахтнинг томирлари. Уларни ҳеч қачон бир-биридан ажратиб бўлмайди. Бир дарёдан сув ичамиз.

Ўзбекистоннинг энг катта шиори тинчлик, осойишталик, бирдамликдир. 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек яшааяпти. Биз бугунги ислохотларни қўлаб-қувватлаймиз. Айни дамда мазкур аниқлаш жараёни иштирокчиси эканимиздан фахрланамиз.

Бунёдкорлик

Бошланиши 1-бетда

— Зарафшонга бормаганимга ҳам анча вақт бўлди, — деди гап орасида отахон йўлда таксичи йигит билан суҳбатлашаркан.

— Мен кунига икки марта бориб келаман, ишим шу, — дея қулиб қўйди ҳайдовчи.

— Тирикчиликнинг айби йўқ, ўғлим.

Мухим, ҳалол меҳнат қилиш кераки.

Бердиқул ота Зарафшон шаҳрига киришда ҳайдовчидан машинани тўтатишини сўради. Машинадан тушган отахон атрофга бир оз боқиб туриб, ҳайратини яширолмади.

— Жуда ўзгариб кетибди.

— Анчадан буён келмаганимниг кўриниб турибди. Ҳали шаҳар ичини кўрсангиз, ҳайратингиз янада ошиши аниқ, — деди ҳайдовчи йигит.

Албатта, отахоннинг ҳайрати бежиз эмас. Мамлакатимиздаги янгиланишлар шиддатини олису яқин манзилларга ҳам янгича қиёфа бахш этаёттир. Биринчидан шинам иморатлар, равон йўллар, маданий-маиший мажмуалар, замонавий ишшоотлар — буларнинг барчасидан юртимизни обод қилиш, аҳоли турмуш шароитини замон талабларига мослаштириш каби олий мақсадлар кўзланган.

Навий вилоятда ўтган қисқа даврда шаҳар қишлоқлар, чекка овул ва қўрғонларда катта ҳажмдаги қурилиш, бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишлари қилинди. Хусусан, сахаро бағридаги мўъжиза, дея таърифланувчи Зарафшон шаҳри йўллари раванлашди, тунги ёритиш чироклари ўрнатилди, йўл четларига манзарали гул ва даракт кўчатлари экилди.

Дастлаб ташкил этилишида 50 минг киши яшашига мўъжалланган Зарафшон шаҳрида охириг 20 йилда аҳоли сонин қарийб 2 баробар ортди. Бу эса турар жой бинолари ва инфратузилма объектларига талабни кескин оширди.



“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВИ

ЯШАШ УЧУН ҚУЛАЙ МАНЗИЛ

Давлатимиз раҳбарининг Навоий вилотида таширфи чоғида фаолларнинг Зарафшон шаҳрини кенгайтириш ва марказий поликлиника учун янги бино қуриш тақлифи маъқулланган эди. Ўтган қисқа муддат ичида шаҳарда 7-12 қаватли турар жой бинолари қад ростлади ва санатчилар шаҳри кун сайин кенгайиб бормокда. Бугунги кунда шаҳардаги “Янги Ўзбекистон” массивида 100 га яқин кўп қаватли турар жой қуриладиган бўлиб, 2025 йилга қадар улар сонини 180 тага етказиш режалаштирилган.

— Бу шаҳарда анча вақтдан буён яшайман. Ҳозир шаҳарни пиёда кесангиз, йўллар раванлигидан, атроф ободлигидан кўзингиз қувнайди. Авваллари бу йўллар абгор, атроф эса тақир чўлдек эди. Ҳозир эса янги кўп қаватли уйлар қад ростламокда, шаҳарнинг аввалги ва айни вақтдаги ҳолати катта фарқ қиладди, — дейди меҳнат фаҳрийси Саъдулло Абдуллаев.

Навий вилотидаги “Янги Ўзбекистон” массивларида 2024 йилда 830 хонадонли 17 та кўп қаватли уй-жой қурилди. 5 та ижтимоий

соҳа объекти фойдаланишга топширилди. Кармана ва Қизилтепа туманларидаги массивларда 4,7 километр ичимлик сув, 3,1 километр оқова сув, 22,2 километр электр, 4,3 километр табиий газ, 3,8 километр иссиқлик тармоқлари тортилди, 3,6 километр йўл қурилди. Зарафшон шаҳридаги массивда бугунги кунда 10 километр ичимлик ва оқова сув, 19,5 километр электр, 9 километр табиий газ ва 17 километр иссиқлик тармоқлари тортилмокда.

Кармана туманининг Дўстлик маҳалласида 21 гектар майдонда барпо этилган “Янги

Ўзбекистон” массивида 18 та кўп қаватли уй қад ростлади. Бу массивларда кўп қаватли уйлар ёнига мактаб, боғча, поликлиника, савдо нуқталари комплекс тартибда қуриладигани аҳолига манзур бўлмокда.

— Ушбу янги массивнинг белгиланган стандартлар асосида шаҳарсозлик нормаларига амал қилинган ҳолда мустаҳкам ва сифатли қурилиш назорат қилиб борилади. Бинолар иситиш мосламаларига уланган, газ, сув, электр билан таъминланган ва янги хонадонлар аҳолига замонавий дизайн, тўла-тўқис таъмирланган ҳолатда топширилди. Бу кўп қаватли уйлардаги хонадонлар ипотека кредити асосида ҳам берилиши аҳолига қулайликлар яратди, —

дейди Кармана тумани ҳокими ўринбосари Шохруҳ Болтаев.

Қизилтепа туманининг Малиқобод маҳалласида барпо этилган “Янги Ўзбекистон” массиви ҳам бугун ҳудудга ўзгача қиёфа бермокда. Авваллари қишлоқ жойлардаги маҳалларда кўп қаватли уй қурилади, деса кишига эртадек туяларди. Ҳозир эса бундай ҳудудларда бутун бир шаҳарча бунёд этилмокда. Тумандаги Малиқобод маҳалласи айни вақтда ўз номига хос бўлиб, обод манзиллардан бирига айланмокда. Маҳалладаги янги массивда 52 та кўп қаватли уй, мактаб, мактабгача таълим ташкилотлари, оилавий поликлиника, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари, истироҳат боғлари қурилмокда. Ичимлик сув, электр, табиий газ, иссиқлик ва канализация тармоқлари тортилди, ички йўллар таъмирланмокда.

— 2024 йилда 1-босқичда 200 хонадон мўъжалланган 8 та 5 қаватли уй тўлиқ фойдаланишга топширилган. Субсидия, ипотека кредити асосида талабгорларга сотилмокда. 2024-2025 йиллар давомида 2-босқичда 252 та хонадонга мўъжалланган 7 та 9 қаватли уй қурилиши кўзда тутилган. Бугунги кунда қурилиш олди лойиҳа-смета ҳужжатлари расмийлаштирилмокда, — дейди Қизилтепа тумани ҳокими ўринбосари Ҳасан Алиев.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда юртимизда бунёдкорликлар қўлами кундан кунга кенгайиб бормокда. Ушбу хайрли ишлар олис ҳудудларни ҳам қамраб олаётгани эса аҳолининг фаровон яшашини учун янада кўп қулайликлар яратмокда. Пировад мақсад ҳам шу, аслида. Бугун бир ҳудудга узоқ вақт бормаган киши бахонаю сабаб ўша ерга бориб қолса, Бердиқул ота каби ҳайратланиши табиий. Манзиллар кундан кунга обод, янгича қиёфа касб этмокда. Бу эса ана шундай ҳайратларга сабаб бўлмокда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Бошланиши 1-бетда

Умуман, мамлакатимиз иқтисодийётини янги босқичга олиб чиқиш учун экспортни йилгига камида 30 фоиз ошириб бориш зарурлиги белгиланган. Мақсад аниқ қўйилгани яхши, албатта. Аммо кутилган натижага эришиш бир текис бўлавермайди. Соҳада муаммолар ҳам, экспортчи тадбиркорларни қийнаб келаётган масалалар ҳам йўқ эмас. Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан навбатдаги очиқ мулоқоти олдида ишбилармонлар шу йўналишдаги муаммоларни ўртага ташлаб, қатор ташаббусларни илгари сурапти. **Ўзбекистон экспортчилар уюшмаси раиси Ёрқин МАЛИКОВ** билан соҳадаги долзарб масалалар, ҳамон экспорт деганда сўз очилганда оғриқли нуқталар ҳамда уларнинг ечимлари ҳақида суҳбатлашдик.

— Муаммоларга тўхталишдан олдин мамлакатимизда экспорт қачондан ривожлана бошлади, деган саволни ўртага ташласак. Бу 2017 йилдан юртимизда конвертация тизими очилганидан кейин рўй берди. Яъни валюта алмашинуви билан боғлиқ имкониятлар кенг очилиши бевосита экспортга эътиборни оширди. Қолаверса, Ўзбекистон ўша йиллардан барча давлатлар учун эшикларини очиб, дўстона алоқаларни ўрнатиш баробарида барча соҳаларда жадал ислохотлар амалга оширила бошланди. Юртимизда ишлаб чиқариш қувватлари кўпайди. Буларнинг бари бир-бирига боғлиқ ҳолда экспортни аста-секин ривожлантирди. Ана энди иш бор жойда камчилик ҳам бўлади. Экспорт қайсидагидир маънода биз учун янги соҳа эди ва уни йўлга қўйиб олиш даврида муаммолар юзага келаётгани табиий жараён. Асосийси, бу муаммолар бирин-кетин ечиб бориляптики, йилдан йилга экспортёрчиларга кенг имконият ва қулайликлар яратиб берилмоқда.

Экспортни йилгига 30 фоиз ошириш имкониятимизга келсак, бунга эришиш мумкин. Охириги йиллардаги ўсиш кўрсаткичлари бунга тасдиқлапти. Масалан, биргина экспорт географиямизни олаёлик, 2016-2017 йилларда тахминан 40-50 та давлат билан экспорт йўналишида ишлаган бўлсак, ҳозирги кунга келиб, мамлакатимизнинг доимий экспорт қиладиган давлатлари сони 160 дан ошди. Агар бир марта бўлса-да экспорт қилган давлатларни ҳам қўшсак, 190 тага етди. Биз бу орқали маҳсулотларимизни сотиш жараёнида хориж тажрибасини ҳам ўрганиб, ўзимизда таъбиқ қиляпмиз. Ҳозир тадбиркорларимизнинг экспорт борасидаги тажрибаси анча ошган. Муаммоларни ҳам қўриб, билиб, биргаликда ечим излашга интиляпмиз. Жорий йил 18 март кўни давлатимиз раҳбари раислигида ўтган видеоселектор йиғилишида



экспортчилар ўз муаммоларини очик айтиди. Президентимизнинг бу йилги тадбиркорлар билан очик мулоқотида таъйиғарлик кўриш жараёнида ҳам тақлифлар, ташаббуслар тўпланаяпти. Ишбилармонларни қийнаётган энг долзарб масалалар, албатта, ўртага ташланади. Мақсад уларни янада қўллаб-қувватлашди.

— **Миллий маҳсулотларимиз ноанъанавий бозорларга чиқаётгани рост. Аммо умумий экспортнинг асосий қисми ҳалигача ўша ўзимиз билган 4-5 та бозорга тўғри келяпти. “GSP+” тизимига аъзо бўлганмиз, Европа бозорига йўл очик, бу қўшимча 65 дан ортиқ давлат дегани. Лекин нега ҳалигача бу тизим имкониятларидан етарлича фойдалана олмаёпмиз?**

— Доимий экспорт бозори, деб айтаётганимиз, мамлакатимизнинг топ экспорт давлатлари ҳисобланади. Бундай бозорлар ҳар бир давлатда бўлади. Яъни ўша мамлакатларга бошқаларга нисбатан кўпроқ маҳсулот экспорт қилинади. Бизнинг экспортда ҳозирги кунда Россия, Хитой, Қозоғистон, Туркия етакчилик қиляпти.

Россия бозори ҳақида гапирсак, у бизга азалдан таниш. Уларнинг талабларини анча яхши билганимиз боис, экспортда деярли муаммолар бўлмайди. Хитой ҳам кейинги йилларда йирик импортчиларимиздан бирига айланди. Авваллари биз бу диёрдан асосан, маҳсулот харид қилган бўлсак, ҳозир уларга сотаямиз. Кейинги йилларда Хитойга экспорт қилинаётган озиқ-овқатларимиз тури 22 тага етди, 2018 йилгача 10 тадан ошмаган. Ўзаро савдо ҳажми кейинги уч йилда жадаллашиб, экспортда маҳсулот тури ҳам кенгайиб борапти. Туркия бозори ҳам биз учун маънафатли. Улар маҳсулотларимизни асосан, қоплаб олади ва қайта ишлаб, Европада экспорт қиладди. Бир томондан, бу бизга қулай, катта ҳажмда маҳсулот сотамиз.

Умуман, маъкур давлатлар билан савдо ҳажми юқори экани улардан чиқиб кета олмаёпмиз, дегани эмас. Экспортда доимий харидорлар бўлиши шарт ва табиий.

Ноанъанавий бозорларга келсак, уларга сиз таъкидлаган “GSP+” дастури асосида кирамиз. Бу Европа Иттифоқида кирувчи 28 та давлатни ўз ичига олиб, уларнинг

умумий савдоси тахминан 270 миллиард долларни ташкил қиладди. Марказий Осиё давлатлари орасида Ўзбекистон ва Қирғизистон ушбу тизимга кирган. Бу орқали юртимиз Европада 6200 турдаги товарларни божсиз олиб кириш ҳуқуқига эга. Яна уч минг турдаги товарга бож тўловларида 50 фоизли чегирма берилади. Бу, ҳақиқатан, жуда катта имконият.

Аммо ўтган йилги таҳлилларимизга кўра, маъкур тизим имкониятларидан унумли фойдалана олмаганмиз. Фақатгина тўқимачилик саноатида тизим манфаатли хизмат қилгани кўринди. Бунинг ҳисобига тармоқдаги экспорт ҳажми жадал ўсмокда. Хусусан, жорий йилнинг беш ойида мамлакатимиз дунёнинг 55 та давлатига қиймати

қарийб 1,3 миллиард долларлик маҳсулот сотди.

Қолган соҳаларда халқаро тизим имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмагани боиси маҳсулотларнинг Европа стандартлари талабларига жавоб бермагани билан боғлиқ. Бунда тадбиркорларимизни айблаб бўлмайди. Чунки улар йиллар давомида биз учун нисбатан оддий, содда талабларга эга бўлган қўшни давлатларга экспорт қилган ёки бунга умуман имконияти бўлмаган. Хуллас, экспорт талаблари борасида тажрибаси етарли эмас. Биз ана шу жиҳатларга эътибор қаратиб, уларга Европа стандарти талабларини ўргатишимиз.

Буни билиш ва унга амал қилиш, аввало, тадбиркорларнинг ўзи учун бир неча қарра



фойдали. Масалан, бу йил гилосни Россияга 3 доллардан, Хитойга 6 доллардан, Жанубий Кореяга 6 доллардан 12 долларгача нархда экспорт қилдик. Европа давлатлари ҳам талабгор бўлди, 20 доллардан нарх қўйди, фақат органик талабларга жавоб бериши шарти билан. Яъни ҳозир Европа бозорида органик маҳсулотга талаб юқори, уни етиштириш эса катта меҳнат, тажриба ва харажат талаб этади.

Бироқ бу анъанавий бозорларнинг талаби осон, дегани эмас. Уларнинг ҳам шартлари ўзига яраша. Экспортда рақобат жуда кучли ва сифат билангина харидорлар сонини ошириш мумкин. Масалан, юртимиз кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг тахминан 65 фоизи Россия бозорига экспорт қилинади. Уларда икки томон бор, бири маркетлар тармоғи, иккинчиси бозор. Ҳар иккиси ҳам ўзига яраша талабларга эга. Супермаркетлар маҳсулотни лабораториядан ўтказиб, сўнг қабул қиладди. Уларнинг асосий талаби маҳсулот “ўқланмаган”, яъни ичидаги барча маҳсулот бир хил сифатда бўлиши керак. Афсуски, айримлар доим ҳам бу талабни бажаравермайди. Масалан, водийда гилос қўтиларга тўрт қатор тахланади. Баъзан биринчи қаторга жуда чиройли, сифатли маҳсулот терилган, тагидаги қаторлари эса сифатсиз бўлади. Бунга харидор ўша вақтда кўрмаса ҳам унга олиб борган пайқайди ва дўжонга эътироз билдиради. Импортчи эса бундан норози бўлиб, келаси сафар биз билан ишладан бош

тортади. Россия бозорларида одатда юртимиздан борган сотувчиларнинг энг маҳсулот сотади. Кўпинча харидор топиш учун бир-бирига қараб нархни туширади. Натижада маҳсулотларимизнинг хориж бозорида нархи пастлаб кетишига олиб келади.

Шу каби ҳолатлар мамлакатимизнинг экспорт имижига салбий таъсир кўрсатиши энг аянчлиси. Афсуски, охириги уч йилда “ўқланган”, деган нарсга жуда ривожланиб кетди. Бу нафақат Россия, балки бошқа давлатларга чиқарилаётган маҳсулотларимизда ҳам кўзга ташланипти. Тадбиркорларнинг бундай ҳаракати харидорларда ишончсизлик уйғотади. Жаҳон амалиётини ўрганганимизда, бундай уддабуронлар бошқа давлатларда ҳам борлигига ғувоҳ бўлдик. Аммо уларда бундай ҳолатларга нисбатан қатъий чоралар белгиланган. Масалан, Туркияда барча экспортчилар бир уюшмага йиғилиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватланади. Агар уларнинг бирортаси мамлакат имижига таъсир кўрсатадиган иш қилса, қора рўйхатга киритилади. Эронда ҳам жазолар жиддий. Биз бу борада маъмурий чора қўллашдан бошлаш тақлифини билдирыпмиз.

Қолаверса, ҳар бир вилоятда узоқ йиллик тажрибага эга экспортчилардан иборат жамоатчилик кенгашларини туздик. Уларнинг ўзи ҳудуддаги ноҳалол тадбиркорларни аниқлаб, тушунтириш ишлари олиб бормоқда.

— **Ўзбекистон жорий йил бошида пилёз бўйича дунёнинг энг йирик 5 та экспортчилари қаторидан жой олди. Ҳатто мамлакатимиз йилгига 250 минг тоннагача пилёз экспорт қилувчи дунёдаги 10 та давлатдан бири сифатида эътироф этилди. Аммо июнь ойида ички бозорда пилёз нархи кескин тушиб кетди, деҳқонлар маҳсулотини сота олмагани сабабли даладарда қолди кетгани шов-шувларга сабаб бўлди. Бунга нима тўқинилик қилди? Умуман, нега бизда мавсум ақинлашаётган пилёзга олдиндан экспорт чоралари кўрилмади?**

— Ҳар бир соҳада бўлгани каби деҳқончиликда ҳам таҳлил, билан, меъёр бўлиши керак. Ўзбекчиликда бир одат бор: ўтган йили қайси маҳсулот қиммат бўлса, бу йил ҳамма ўшани етиштиришга ҳаракат қиладди. Пилёз борасида ҳам шундай ҳолат бўлди. Сиз келтирган статистик маълумотда юртимизнинг бу йилги пилёз экспорти саломатияти 300 минг тонна экани таҳлил қилинган. Лекин маҳсулот ҳажми қўлайиб, 400 минг тоннадан ошиб кетди. Ўз-ўзидан ички бозорда нарх тушди. Экспортда чегара бор. Шунда ҳам максимал даражада четга сотдик. Ҳатто маҳсулотни етказиб бериш учун юк машиналари етмади. Пилёзни Европа бозорларигача экспорт қилдик. Швеция, Норвегия, Эстонияга 2,5 евродан пулладик.

Лекин шу ўринда яна бир жиҳат одамнинг дилини хира қиладди. Биз янги бозорлар топишга интиляпмиз, аммо ўзимизга боғлиқ бўлмаган омиллар сабаб уларни доимий ушлаб қола олмаёпмиз. Масалан, озарбайжонлик импортчи билан келишув қилиниб, катта миқдордаги пилёз 14 кунда Дубайга етиб борди, ўзимиз кузатиб турдик.

Маҳсулот 5 килограмми қопларда жўнатилди. Бошида маҳсулот сифатли етиб борган, аммо кейинги партияларда яна ўша “ўқланган” ҳолат. Тадбиркорларимиз қопнинг ўртасига қувур қўйиб, чиройли пилёз тахлаганда, ичига майдалари солиб юборилган. Бунга кўрган ҳамкор биздан бошқа пилёз олмаслигини айтди. Кўрапсизми, шу биргина ҳолат умумий экспортга қанчалик таъсир кўрсатяпти.

Мавсумда бозор топиш чораларига келсак, тўғрисини айтсам, шу пайтгача бу борада ҳаракатлар бўлмаган. Бу энг катта камчиликларимиздан бири эди. Ҳозирги кунга келиб эса Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари соҳасига бош қилиб қўйилгандан кейин бошқа қўллаб-қувватлаш қатори бу механизмни ҳам аста-секин йўлга қўйяпмиз. Улар билан ҳамкорликда экспорт штаби ташкил қилдик. Штаб маҳсулот етказиб беради, Экспортчилар уюшмаси уни хорижга сотиш билан шугулланади. Штабдаги ҳар бир ходим Ўзбекистоннинг камида учта давлатдаги элчихоналари билан ишляпти. Элчилар кўмагида ўша давлатлардаги импортчилар аниқланиб, рўйхати шакллантириляпти. Улар тадбиркорларга бериб борилади. Умуман, биз шундай тизим қилдикки, ҳар 20 кунда қайси вилоятда қайси маҳсулот пишиб етилиши, турларигача маълумотлар базаси шакллантирилиб, тизимли занжир ҳосил қилинди.

Мавсумийлик масаласида яна бир муаммо кўзга ташланади. Яъни юртимиз деҳқонлари аллақачон йилда 2-3 марта



лаб ҳосил етиштира бошлаганига қарамай, ҳалигача бизда мавсумий, деган тушунча бор. Масалан, апрель ойида гилос пишиб етилиши, майда қулупнай терилиши, августда анжир мавсумига киришиши ҳаммамиз ўрганиб қолган анъанавийлик. Аммо жаҳон бозорида мавсумийлик, деган тушунчанинг ўзи қолмаган. Давлатлар харидоргир маҳсулотларни кетини узмасдан, доимий етиштириш йўллариин топяпти. Масалан, хитойликлар плёнка остида кичик дархалларда гилос етиштириб, доимий экспортни йўлга қўйган. Бизда ана шундай узвийликнинг йўқлиги бир қанча муаммоларни туғдириб, доимий миқдорларимиз бўлмаслигига олиб келади. Агар доимий миқдорларимиз бўлса, маҳсулотлар қилиб кетмаслигига ишончимиз ҳам бўлади. Шу боис, мевса-савзавот маҳсулотларини доимий етиштириш бўйича хориж тажрибасига асосланган тақлифларни ишлаб чиқяпмиз.

— **Маҳсулот етиштириш осон эмас. Деҳқон бунинг учун минг машаққат чекди. Экспортчи ҳам унга катта харажат қиладди. Не умидлар билан сотилган маҳсулотнинг бирор сабаб билан қайтариб юборилиши эса қанчалик аламли эканини тасаввур қилиш мумкин. Нега бунинг олдини олиш учун аввалдан ҳаракат қилинмади? Умуман, маҳсулотни қайтариб юборилган тадбиркорнинг ҳуқуқлари қандай ҳимоя қилинади?**

— Аввало, Ўзбекистондан чиқаётган маҳсулотнинг ҳар бири шартнома асосида экспорт бўлади. Шартнома давлатлар ўртасида ёки хусусий импортчи ва экспортчи ўртасида тузилган бўлиши мумкин. Кўп ҳолларда хусусий икки томон ўртасида тузилган шартнома сабаб муаммолар юзага келади. Айниқса, маҳаллий экспортчиларимиз ҳамкор томонидан берилган шартномани ўқимасдан, ўқиса ҳам

тушунмасдан кўр-кўрона имзолайди. Ана шу омил ҳозирги кунда жиддий масалага айланган.

Масалан, яқинда тадбиркорларимиздан бири Европада 20 тонна майиз экспорт қилди. У ердаги божхона лабораториясида текширувдан ўтказилганида, маҳсулот таркибиде олтингугурт ва бошқа моддалар миқдори юқори экани аниқланган. Энг қизиги, маҳсулот бунгача юртимиздаги лабораторияда текширувдан ўтказилиб, ҳулосаси олинган ва импортчи уни қабул қилиб, буюртма берган. Европа давлати божхонасидаги ҳулоса асосида у маҳсулотни олишдан бош тортган ва тадбиркор ортага қайтариб олиб келишга мажбур бўлди.

Беларусь билан ҳам шундай ҳол кузатилди. Уртада шартнома тузилиб, пилёз ва қарам жўнатилган. Уларга бошқа ҳудуддан арзон қарам кириб келгани учун бизники қиммат бўлиб чиқди ва харидор маҳсулотимизни олишни рад этди. Ўзбекистонлик тадбиркор ҳеч нарсга қила олмасдан қайтиб келаверди. Биз ҳам ҳеч қандай ёрдам бера олмадик. Чунки шартнома шундай тузилган ва унда барча ҳуқуқлар импортчида турибди. Ҳуқуқий саводхонлик етишмаслиги, ўз ҳақ-ҳуқуқини билмаслик сабабли шундай вазиятлар учраб турибди.

Маҳсулотлар қайтариб юборилишининг яна бир сабаби бевосита товар сифати билан боғлиқ. Амалдаги тартибга кўра, юртимизда четга чиқарилаётган маҳсулот божхонага боришдан олдин фульмигация, яъни дорилаш жараёнидан ўтказилади. Шу таразда маҳсулот ичидаги зараркуналдар тахминан 6 соатда бутунлай ўлади ва хорижга зарарсизлантирилган ҳолда боради. Бирок айрим тадбиркорларимизнинг “шошқалоқлиги” сабаб дорилаш жараёни кўпинча ўтказилмайди. Натижада хорижда касаллик ёки зараркуналдар борлиги аниқланади. Бу маҳсулотни ортага қайтариш учун асос бўла олади. Яқинда Қозоғистонга чиқарилган 4 тонна помидорда шундай ҳолат кузатилди. Қолаверса, шафтоли, ўрик маҳсулотларимиз сифатида ҳам эътирозлар бўлди. Ваҳоланки, экспортга мўлжалланган маҳсулотларини дорилаш давлат томонидан мутлақо бепул амалга оширилади. Афсуски, шундан ҳам фойдаланмайдиган тадбиркорлар бор. Шу боис, эндиликда Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги бу масалада талабни қатъий қўйиб, назоратни кучайтирган.

Кўпинча фақат бизнинг маҳсулотлар четдан қайтарилади, биздан ҳам сифатсиз импорт маҳсулотлар қайтариладими, деган эътирозли саволлар пайдо бўлади. Албатта, божхона постларида бундай амалиёт бўлиб туради. Ўзбекистон талабига жавоб

бермайдиган, мувофиқлик сертификатини олмаган маҳсулотлар қайтарилади ёки тегшили тартибда йўқ қилинади.

Буларнинг ҳаммаси тизимли жараён. Айниқса, экспортда тизим ишлаши жуда муҳим. Яқиндан бу борада янги механизмни йўлга қўйяпмиз. Деҳқондан импортчигача бўлган занжир яратилди. Апроқўмақчи мобил иловаси яратилиб, импортчи ва экспортчилар ҳақида маълумотлар киритилляпти. Бу ҳам катта имконият.

Экспортбоп маҳсулот етиштиришда янги механизмлар жорий этиляпти. Масалан, Сирдарё вилоятида йўлга қўйилган “Сайхунобод тажрибаси” шулардан бири. Иш аввалда ҳудуд тарихи ўрганилди. Қузатувларимизга кўра, маҳаллий шароитда кўпроқ қовун ва ошқовоқ яхши етиштирилган экан. Ушбу маҳсулотлар экспортда охириги уч йилни таҳлил қилдик ва йилгига 15 фоиздан ўсишни кузатдик. Асосан, Россия, Қозоғистон, Қирғизистонга сотилган. Германия, Саудия Арабистони эса қуритилган ошқовоққа харидор экан. Шулардан келиб чиқиб, “Сайхунобод тажрибаси”нинг бир қисми сифатида 1800 кишига 200 гектардан ошқ ер ажратилиб, экиш учун ошқовоқнинг экспортбоп уруғи олиб келинди. Ҳозир ҳосил аста-секин етиляпти.

Асосийси, биз ҳар бир талабгор билан шартнома тузганимиз. Масъулият икки томонда бирдек бўлади. Шундай ҳуқуқий қафолатланган шартномаларни хорижлик харидорлар билан ҳам тақомиллаштиришга интиляпмиз. Шундагина биз экспортни шунчалик эмас, балки таҳлиллар, билим ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос тарзда амалга оширишни таъминлаймиз.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Ирода ТОШМАТОВА
суҳбатлашди.

Ислохотлар амалда ДУАЛ ТАЪЛИМ қанчалик самара бермоқда?



Ўткиржон АЛИЖОНОВ,
Профессional таълим тизимини
ривожлантириш департаменти
бошлиғи

Ҳар бир мамлакатнинг тараққий этишида таълим тизими муҳим ўрин тутди. Ёшларнинг бирор касб этагидан тутиши ёки мутахассисликни эгаллашига алоҳида эътибор қаратилади. Мамлакатимизда бу борада самарали ишлар қилинапти. Навқирон авлод вакиларининг қизиқиши қўллаб-қувватланмоқда, улар учун кенг имконият яратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили 4 октябрда профессионал таълим сифатини ошириш ҳамда аҳолини касб-хўнарга ўқитиш бўйича янги ташаббуслар тақдими билан танишар экан, иқтисодиётни ривожлантиришда профессионал таълим алоҳида ўринга эгаллигини таъкидлади. Хусусан, тараққий этган давлатларда ўқувчиларнинг 75 фоизгача касбий таълим билан қамраб олинганини қайд этди.

Ўқувчилар учун бир вақтда ҳам ўқиш, ҳам ишлаб пул топиш имконини берадиган дуал таълим шакли жорий этилди. Бу тизим туфайли корхона ва ташкилотлар ҳамкорлигида йигит-қизлар ўқитилмоқда. Шунингдек, ёшларга 9-синфдан кейин касб-хўна мактаби, 11-синфдан эса коллеж ва техникумда турли мутахассисликлар ўргатилмоқда.

“Устоз-шогирд” анъанасининг мантиқий давоми

Заминимизда узоқ асрлардан буён “устоз-шогирд” анъанаси мавжуд ва шу асосда ёшлар касбга тайёрлаб келинган. Бугунги замонавий таълим тизимида айнан ушбу анъана дуал таълим шакли кўринишида қўлланылган, десак хато бўлмайди. Бундай ўқитиш шакли “Таълим тўғрисида”ги қонунда алоҳида таълим шакли сифатида белгиланди ва Президентимизнинг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққийёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб профессионал таълим муассасаларида жорий этиш бўйича аниқ топшириқ берилди.

Дуал таълим ўқувчиларга таълимни ўз йўналишига мос ташкилотда меҳнат қилиш билан бирга олиб бориш имкониятини берувчи тизимдир. Бунда ёшлар 2-3 кун таълим муассасасида назарий билимларни ва 3-4 кун корхона ва ташкилотларда ҳақиқий иш жараёнида амалий кўникмаларни эгаллайди.

Мақсуд таълим турини жорий этиш масаласи меҳнат бозоридagi кадрлар тақчиллигини бартараф қилиш ва янги технологиялардан фойдалана оладиган малакали кадрлар етказиб беришга хизмат қилади. Шу билан бирга, корхоналарга келгусида

кўникмаларини ривожлантириш” лойиҳалари доирасида иш берувчилар талаблари асосида дуал таълим бўйича янги ўқув дастурлари ишлаб чиқилди.

Ушбу таълим шаклида ўқитишнинг ўзига хос томонларидан яна бири шуки, таълимнинг назарий қисми ўқув муассасасида, амалий қисми — 70 фоизи корхона ва ташкилотларда ўтилади. Шунингдек, иш берувчилар дуал таълим давомида энг яхши мутахассисларни танлаб олиши ва ишга қабул қилиши мумкин.

Бизга нима учун зарур?

Ўзбекистонда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб таълимнинг дуал шакли жорий қилинди. Энди ёшлар касб-хўна таълими муассасасида олган назарий билимларини бир вақтнинг ўзида амалиётда қўллаш имконига эга. Ушбу таълим шаклини Ўзбекистонда жорий этиш ва такомиллаштириш бўйича ҳуқуқий асос яратилди.

Мамлакатимиз меҳнат бозоридagi реал эҳтиёж, корхона ва ташкилотлар, иқтисодиёт тармоқларидаги аниқ иш ўринлари учун меҳнат фаолияти билан таълимни уйғунлаштирган ҳолда рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг янги механизмлари жорий қилина бошлади.

Дуал таълим ўқувчиларга кўплаб имконият беради. Аввало, ёшлар касбий маҳорат ва кўникмага эга бўлади. Касбий тайёргарлик даврида иш ҳақи олади, ишлаб чиқаришда касб ўрганади. Асосийси, ўзи танлаган соҳа бўйича ишлаб чиқариш



муҳитини ўрганади. Буларнинг бари кейинги таълим фаолияти учун малакага эга бўлиш имконини беради.

Иш берувчилар учун ҳам дуал таълим қўлай ва қатор афзалликларга эга. Масалан, кейинчалик ишга қабул қилиши мумкин бўлган ходимни тайёрлашда иш берувчилар бевосита иштирок этиши мумкин. Улар ўқиш даврида қайси номзод иш берувчига мос келишини баҳолаб, аниқлаб олиш учун етарли вақтга эга бўлади. Битирувчилар малакаси яқини босқичда иш берувчилар томонидан баҳоланади. Иш берувчилар эҳтиёжи асосида дуал таълим шаклида йил давомида қабул амалга оширилади. Ишчи-ҳодимлар қисқа муддатли курсларда қайта тайёрланади. Иш берувчиларнинг кадрларга эҳтиёжи асосида қабул параметрлари шакллантирилади. Дуал таълим шаклида иш берувчилар ўзи хоҳлаган ва кутган мутахассисни тайёрлашда бевосита иштирок этиши ҳам корхона ва ташкилотларга катта қўлайлик туғдиради. Чунки улар дуал таълим давомида энг яхши мутахассисларни танлаб олади ва ишга қабул қилади. Арзон ишчи кучи ва ходимлар кўникмизлигини бошқариш имкониятига эга бўлади.

муҳитини ўрганади. Буларнинг бари кейинги таълим фаолияти учун малакага эга бўлиш имконини беради.

Иш берувчилар учун ҳам дуал таълим қўлай ва қатор афзалликларга эга. Масалан, кейинчалик ишга қабул қилиши мумкин бўлган ходимни тайёрлашда иш берувчилар бевосита иштирок этиши мумкин. Улар ўқиш даврида қайси номзод иш берувчига мос келишини баҳолаб, аниқлаб олиш учун етарли вақтга эга бўлади. Битирувчилар малакаси яқини босқичда иш берувчилар томонидан баҳоланади. Иш берувчилар эҳтиёжи асосида дуал таълим шаклида йил давомида қабул амалга оширилади. Ишчи-ҳодимлар қисқа муддатли курсларда қайта тайёрланади. Иш берувчиларнинг кадрларга эҳтиёжи асосида қабул параметрлари шакллантирилади. Дуал таълим шаклида иш берувчилар ўзи хоҳлаган ва кутган мутахассисни тайёрлашда бевосита иштирок этиши ҳам корхона ва ташкилотларга катта қўлайлик туғдиради. Чунки улар дуал таълим давомида энг яхши мутахассисларни танлаб олади ва ишга қабул қилади. Арзон ишчи кучи ва ходимлар кўникмизлигини бошқариш имкониятига эга бўлади.

15 мингга яқин ўқувчи дуал таълим олмақда

2021/2022 ўқув йилида дуал таълим шакли бўйича коллеж ва техникумларга мактабгача таълим, темир йўл ва қурилиш каби соҳаларга 2 мингдан ортиқ ўқувчи қабул қилинган бўлса, кейинчалик корхоналарнинг ўзи учун ўрта бўғин кадрлар тайёрлашга эҳтиёжи олиб бориши натижа-сида дуал таълим шакли кенгайиб борди.

2022/2023 ўқув йилида профессионал таълим муассасаларига 4,5 мингга яқин ёш дуал таълимга қабул қилинган ҳамда ахборот технологиялари, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларда ўрта бўғин кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Айни пайтда 234 та профессионал таълим муассасасидаги 15 мингга яқин ўқувчи 4 мингдан зиёд корхона ва ташкилотда дуал таълим шаклида сабоқ олмақда. Ўқувчиларга корхона (ташкilot)ларнинг малакали ходимлари бириктирилган. Улар ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини бевосита иш жойида шакллантирмоқда. Шунингдек, айни вақтда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, мактабгача таълим, енгил саноат ва хизмат кўрсатиш каби йўналишларда дуал таълим улуши олиб бораётганини кўриш мумкин.

Биргина мисол: Андижон вилоятидаги Асака агротехнологиялар техникуми ҳамда “UzAvto Motors” акциядорлик жамияти ўртасида дуал таълим шаклида ўрта бўғин кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорлик ўрнатилган. Натижада бугун пайвандлаш технологияси ва жиҳозлари, автомобилларини йиғиш ва синаш, машинасозлик технологияси ва автомобил транспортига техник хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш мутахассис-ликлари бўйича 500 дан ортиқ ўқувчи дуал таълим шакли бўйича ўқитилмоқда.



ҚИЗЛАРИМИЗНИНГ ҚАДРИ БАЛАНД, ЮЗИ ЁРУҒ БЎЛАВЕРСИН!

Бошланиши 1-бетда

Акс ҳолда, яқинда Германияда халқаро фан олимпиадасида голиб бўлган Райёна Иброҳимованинг қувончига минглаб юртдошларимиз шерик бўлмасди. Ижтимоий тармоқларда қузатдик, олимпиада голибасига эътирофлар, самимий тилаклар ёғилди. Аксарият юртдошларимиз ватан байроғини илм билан юксакларга кўтарадиганлар янада кўпайсин, деди.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирни Хилола Умарова Райёна, унинг онаси ва устози билан учрашиб, улкан ютуқ билан самимий табриклиди. Андижон вилояти ҳокими ҳудуддаги иқтидорли ёшлар билан учрашуви чоғи олимпиадачи қизнинг муваффақияти ҳақида гурурланиб гапирди. Уни барча илм толибларга намуна қилди. Ҳокимнинг “Шу қизимни кутялман. Тезроқ келса, юзма-юз туриб, эришган ютуғи билан алоҳида табриклагим келяпти”, деган гаплари тил ўрганаётган кўплаб ёшларга ҳам кўтаринчилик бергани аниқ.

Биз ҳам Райёна хайтидаги улкан натижа билан муборакбод этиб, халқаро олимпиадага етаклаган омилар юзасидан сўхбатга тортидик:

— Мактабда ўзим билмаган ҳолда немис тили синфига тушиб қолганман. Биринчи бўлиб шу чет тилни эшитганим учунми, ёқимли, жарангдор туюлган. Ота-онам инглиз тили синфиди бўлишимни истасан ва 2-синфда мени немис тили синфидан олишган. Бироқ инглиз тилини ўрганишга у қадар иштиёқим бўлмади. Яна ўз синфимга қайтдим. Адабиёт фанига ҳам меҳрим бўлакча бўлган. Бу эҳтимол она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси бўлган онамнинг таъсиридир.

“Ёш китобхон” танловига бефарқ бўлмасдим. Шу танлов сабаб кўп китоб ўқидим. Ўқувчилар ўртасида шундай танловларни кўпайтириш керак экан. Хусусан, мен равон нутққа, сўз бойлигига “Ёш китобхон” орқали эга бўлдим. Бобом “Набирам китоб ўқиб, менга “Спарк” олиб беради”, дер эди. Фақат ғалабага интилардим. Бироқ ҳар гал маррага етай деганимда, омадим келмасди. Кўнглим сира чўккан, адабиётга қизиқишим сусайгани йўқ. Шерлар машқ қилиб тураман, ҳикоялар ёзаман. Ижодий ишларим газеталарда чоп этилишига ҳавасмандман.

Халқаро олимпиадага келадиган бўлсам, бу, албатта, ўз-ўзидан бўлмайди. Шунингдек, иштирокчи бўлиш ўта оғир жараён ҳам эмас. Қатъий мақсад, кучли ирода бўлса. Аввало мактаб олимпиадасиданоқ фаоллиқни қўлга олиш керак. Ўзим мисолимда айтадиган бўлсам, мактабимизда фақат немис тили ўтилмайди. Ҳафта-сиза 2 соат дер билан эса юқори натижага эришиб бўлмаслиги аниқ. Қўшимча дарс олиш керак бўлади. Шунинг учун ўқув курсида билимимни мустаҳкамлаганман. Шу йил апрель

ойида немис тили бўйича В2 даражани қўлга киритганим бунинг самараси деб биланман.

Ўзимнинг наздимда яхши тайёрланган бўлсам-да, фан олимпиадасида мактабда ҳам, шаҳар босқичида ҳам 2-ўринни олдим. Бор кучимни йиғиб, вилоят босқичига жиддий киришдим. Барибир 1-ўринни олишим керак, деган орзум рўёбга чиқиб, биринчилик насиб этди. 10-синф бўлганимиз учун республика босқичи ўтказилмади. Бироқ мактабдаги устозим барча вилоят босқичи голиблари Тошкентдаги Ғёте университетига халқаро немис тили олимпиадасининг миллий саралаш босқичида қатнашиши кераклигини айтди. 16 февраль куни айтилган жойга етиб келдик. 13 нафар рақиб билан беллашиб, ғалабага эришдик.

Германияга мактабдаги немис тили ўқитувчим Муқаддас Қосимова билан

— Насиб қилса, 11-синфни тамомлагач, ўзимизнинг Андижондаги чет тиллар институтида ўқиб, магистратурани Германияда давом эттирмоқчиман. Эндиги олий мақсадим — бадий таржимачилик йўлидан бориш. Немис тилидаги китобларни ўзбек тилига, ўзбек тилидаги асарларни эса немис тилига таржима қилмоқчиман. Шунда адабиётга муҳаббатим ҳам, немис тилига меҳрим ҳам намоён бўлади. Ўзбек ва немис ёзувчиларининг энг гўзал ижод намуналарини тил орқали кўрсатиб бериш, китобхонлар қалбидан ўрин олиш ҳам бир бахт, аслида. Шоир ва ёзувчилари асарларини немис тилига таржима қилиб, ўзбек ижодкорлари номини дунёга танита олсам, орзуларимнинг рўёби ана шу бўлади.

Бир тилини ўрганганда ўша халқнинг маданиятини ҳам ўрганамиз, албатта. Шу маънода Райёнага немис



бордик. Барча харажатларимиз қоплаб берилди. Йўл-йўлакай кучли ҳаяжон бўлса-да, қўрқув йўқ эди. Олимпиада жараёнида бир оз ҳадик пайдо бўлди. Чунки барча иштирокчиларнинг билим даражаси меникидиг ва ундан ҳам баланд эди. Қандай бўлмасин, фикримни, диққатимни жамлашга ҳаракат қилиб, олимпиадада қатнашдим. Ҳаяжоннинг энг кучлиси голиблар эълон қилинаётганда бошланди. 1-ўрин совриндори сифатида исм-фамилиям эълон қилинганда, қувончдан қийқариб юбордим. Ёнимда авайлаб олиб юрганам — Ўзбекистон байроғи дунёдаги энг гўзал байроқ бўлиб кўринди. Бошимга кўтариб, саҳнага чиққан ҳам байроқни сабабга туширгим келмади. Кучли ҳаяжон пастга байроқ билан юзимни тўсиб олганимни ҳам сезмай қолибман. Ўша лаҳзадаги ички кечинмаларимни сўз билан ифодалашга ожизман.

Райёнадан олимпиада голибларини қандай масъулиятлар юклаганино, мақсадлар, орзулар ўзани энди қай томонга қараб кетиши ҳақида сўрадик:

тилини ўрганиш нималар бергани билан қизиқдик:

— Азалдан немисча пунктуаллик менга жуда ёқди. Германияда бўлган кунларимиз бунинг олимпиада ҳаёт тарзида яққол кўрдим. Олимпиада жараёнида ҳам ўта масъулиятликлка гувоҳ бўлдик. Эндиликда ўзим ҳам берилган вазифани вақтида бажаришга, айтилган жойга келишилган соатда боришга, умуман, ҳар томонлама масъулият сезишга ҳаракат қиламан. Шунингдек, немис тилини ўрганиш Германия маданиятига оид бошқа жиҳатларни ҳам яқиндан билиб олишимга хизмат қилляпти.

Сўхбатимиз сўнггида Райёна ўзи каби тенгдошлари ва уларнинг ота-оналарига юзланиб, бундай деди:

— Аксарият ота-оналарга айтишни истардимки, қиз фарзандларини олий таълимдан чекламасин. Аксинча, улар ўқиш истагига бўлган қизларнинг олимпиада бўлишига йўл очиб беришлари шарт. Илм жинс танламаслигини яхши тушунган ота-оналар шундоқ ҳам қизларига шариёт яратиб беради. Президентимиз айтганидек, қиз болани ўқитиш бутун жамиятга фойда келтиришини ҳамма ота-оналар тушуниши керак.

Халқаро олимпиададаги ютуғимдан ота-онамнинг кўзида қалққан қувонч ёши барча ота-оналарга насиб этишини истайман. Кўпроқ кутубхоналар, бук-кафелар ташкил қилинса, натижаларимиз бундан-да яхши бўлади. Чунки мен адабиёт орқали немис тилини, немис тили туфайли адабиётни топиним. Зеро, олимпиадада нафақат немис тилини билиш даражамиз эмас, балки тарихимиз, адабиётимиз, миллийлигимизни қанчалик билишимиз, нутқимиз ҳам ҳисобга олинди.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири
Муножат МҲМИНОВА
ёзиб олди.**



